Партия кўзгуси

# Коллежда сиёсий мулоқот

*Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада ривожлантириш, жамиятни янада либераллаштиришда сиёсий партияларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги тараққиёт, ўзгариш ва янгиланишлар даврида аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлашда сиёсий партиялар етакчи рол ўйнайди.*

Эндиликда мазкур сиёсий институтлар ўз дастурий ғояларини тарғиб қилишни янада кучайтиришлари, жамият ҳаётига янада чуқурроқ кириб бориши талаб этилади. Тошкент шаҳар Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнларида сиёсий партияларнинг роли» мавзусидаги йиғилишда шулар ҳақида гап борди.

Тадбир «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кенгаши ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси иштирокида ташкил этилди. Унда жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнларида сиёсий партияларнинг роли, жумладан «Адолат» СДП фракциясининг қонунчилик тизимидаги фаолияти, олиб борилаётган тарғибот ишлари, маънавий-маърифий тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга, Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конститутциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, юксак аҳамияти ҳақида тушунтиришлар берилди. "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова 2006 йилда партия томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Партиямиз ўтган йили асосий эътиборни иқтисодиётни ривожлантиришга қаратди. Хусусан, соҳага тааллуқли қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди, микромолиялаштириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу саъй-ҳаракатлар фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш, демократик ривожланиш сари дадил қадам қўйиш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги нуфузи ва таъсирини ошириш борасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Тадбирда аҳолининг хоҳиш-иродасини ўз ғояларида ифода этган сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтиришда фуқароларнинг фаоллиги ниҳоятда зарур эканлиги алоҳида қайд этилди. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йилида «Адолат» СДП дастурларида халқимиз ижтимоий ҳаётини янада яхшилашга хизмат қиладиган режалар ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари талаба-ёшларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб беришди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**"Адолат" мухбири**

# Ташкилий масала кўрилди

*"Адолат" СДП Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари котиблари, партия фаоллари иштирок этди.*

Сўнгги йилларда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар дастурий вазифаларни бажаришда кенг ваколатларга эга бўлмоқда. Бундан буён сиёсий институтларнинг бевосита ҳукуматни шакллантиришдаги роли ва масъулияти янада ошади. Бу, шубҳасиз «Адолат» СДП зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди.

Пленумда таъкидланганидек, кейинги йилларда «Адолат» СДПнинг жамиятда обрў-эътибори, нуфузи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Партия фаоллари, вилоятлар Кенгашлари вакиллари томонидан янги ғоялар, янги ташаббуслар билан чиқаётгани эътиборга молик. Аммо қилиниши лозим бўлган ишлар бисёр. Хусусан, партия ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажара бориб, фаолиятида ҳар томонлама етук, фидойи кадрлар захирасига жиддий эътибор қаратиши зарур.

Наманганда «Адолат» СДП дастурий ғояларини тарғиб қилиш, аҳоли билан янада яқин, мустаҳкам алоқалар ўрнатиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Аммо буни етарли, деб бўлмайди. Пленумда вилоят партия ташкилотининг ўтган йилдаги фаолиятига эътибор қаратилиб, қўлга киритилган ютуқлар қатори камчилик ва муаммолар муҳокама этилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ташкил этилаётган тадбирлар кўлами ва таъсирчанлиги бирмунча паст даражада эканлигини таъкидлашди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Соғлиги ёмонлашгани туфайли Насим Ҳусанов «Адолат» СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори Ҳамид Аҳмадхўжаев вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

**Ўз мухбиримиз**

# Атроф-муҳит мусаффолиги йўлида

Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2006-2010 йилларга мўлжалланган Оролбўйи табиатини яхшилаш, минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш дастури асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Дастурда, жумладан, тупроқ шароитини яхшилаш ва ер унумдорлигини ошириш, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида Мўйноқ туманидаги сунъий кўлларни тоза сув билан тўлдириб бориш белгиланган. Айни кунгача денгизнинг суви қуриган тубидаги тузли чанг-тўзонлар ҳавога кўтарилмаслиги учун 5 минг гектар майдонда саксовул, қандим ва черкес ўсимликлари ўстирилди.

Шунингдек, мазкур дастур доирасида Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган Ўзбекистонда дренаж-ирригация тизимини қайта тиклаш бўйича махсус лойиҳа амалга оширилаётир. Унда кўзда тутилган ишлар халқаро тендерда ғолиб чиққан Хитойнинг "Сино-Хайдро" компанияси томонидан бажарилмоқда.

Ушбу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларининг зах сувлари Амударёга ташланмай, Жанадарё орқали тўғри Орол денгизига қуйилади. Натижада мазкур минтақада юз минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экологик иқлим шароитини барқарорлаштириш имконияти туғилади.

**ЎзА**

# Сеҳрли қўллар жилоси

Андижон шаҳридаги тадбиркорлар саройида Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармаси, "Адолат" СДП вилоят кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек сомон санъати кўргазмаси бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган ушбу кўргазма зиёлилар, талабалар, умуман санъатга ташна кишилар билан гавжум бўлди. Иштирокчиларда оддий сомонга сайқал бериш туфайли яратилган мўъжизавий санъат асарлари катта таассурот қолдирди.

— Айни кунларда кўргазманинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармаси раиси Шавкатбек Мустафоқулов. — Асосий мақсадимиз нафақат Афғон уруши қатнашчилари, балки барча ногиронлар, жисмоний имкониятлари чегараланган ҳамюртларимизга моддий-маънавий томондан кўмак беришдир. Чунки сомонга жило бериш, турли тимсоллар яратиш асносида касалликни унутиш, ҳаттоки бутунлай соғайиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилди.

# Тасаввуримдаги келажак

Балиқчи туман маданият уйида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан "Тасаввуримдаги келажак" деб номланган расмлар танлови бўлиб ўтди. Иқтидорли ўқувчи ёшлар иштирокидаги танловни ўтказишда Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, «Адолат» СДП Кенгаши, Маънавият ва тарғибот маркази ҳамкорлик қилди.

Қизиқарли ўтган тадбирда 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Н.Исмоилова "Энг истеъдодли ёш рассом", 15-мактабдан О.Тоштонбоев "Кенг фикрли ёш рассом", Ўрмонбек касб-ҳунар коллежи талабаси Ш.Тўраев "Келажакни энг яхши акс эттирган ёш рассом" номинациялари бўйича ғолиб бўлди.

Ғолибларга тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларининг эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда сўзга чиққан «Адолат» СДП туман Кенгаши биринчи котиби Н.Шералиев ўқувчи ёшларнинг дунёқарашини ўстириш, истеъдодларни кашф этиш, миллий урф-одатларимизни тарғиб қилишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

**А.МАҲМУДОВ,**
**"Адолат" мухбири**

# Ҳашар — каттаю кичикка ярашар

*Ўтган ҳафта республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тадбир — умумхалқ ҳашари зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Хайрли ишга муносиб улуш қўшишни ўз бурчи деб билган юртдошларимиз саъй-ҳаракатдан четда қолмасликка ҳаракат қилишди.*





Икки кун давом этган умумхалқ ҳашарида мамлакатимизнинг 15 миллиондан зиёд аҳолиси қатнашди. Республика ишчи штаби тарқатган маълумотларга кўра, 34 минг гектар майдон ободонлаштирилиб, 25 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди.

Халқимизнинг азалий қадриятларидан саналган Умумхалқ ҳашари Қашқадарё воҳасида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Хусусан, Шаҳрисабз туманида жойлашган "Кўкгумбаз" мажмуасини кўкаламзорлаштириш ишларида каттаю кичик баҳоли қудрат меҳнат қилди. Жавлон бобо Фозилов (ўнгдаги сурат) ободонлаштириш, гул ва дарахт кўчатларини ўтқазиб, парваришлаш ишларига бош-қош бўлди.

Вилоятнинг бошқа туманларида бўлгани каби Қамашида ҳам "Адолат" СДП аъзолари хайрли анъанани давом эттиришда алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, туман туғруқхона мажмуаси бош шифокори, "Адолат" СДП аъзоси Руҳсат Мирзаева ва ҳамшира Салима Баратовалар умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишди.

**Ўз мухбиримиз**
**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**

Қонун барчага баробар

# Масъулият унутилган жойда...

*Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органи маҳаллалар аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда масъул муассаса саналади. Дарҳақиқат, маҳаллада фаоллар ким қандай турмуш кечираётгани, кимлар нима иш билан машғуллиги, қўйинг-чи, мазкур ҳудудда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг ижтимоий аҳволидан яхши хабардор бўлишади. Шунинг учун ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида тушунтириш-тарғибот ишлари изчил олиб борилаяпти.*

Натижада маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари жонбозлиги туфайли жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиларни аниқлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ айрим маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ўз вазифаларига масъулиятсиз муносабатда бўлаётганлиги оқибатида баъзан кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй бермоқда. Косон тумани "Юқори Оброн" қишлоқ фуқаролар йиғини "Гулистон" маҳалласида яшовчи Шоймардон Жумаевнинг жиноий қилмиши қўни-қўшни, маҳалла оқсоқолларининг лоқайдлиги, боқибеғамлиги оқибатида содир бўлди.

Эндигина 25 баҳорни қаршилаган, тоғни урса талқон қиладиган Шоймардон Жумаев йигит бўлиб бирон бир жойда ёлчитиб ишламади. Ўтган йилнинг апрель ойида эса мўмай пул топиш мақсадида Россия Федерациясига кетиш ниятида ота-онасига тегишли қорамолни 200 минг сўмга сотишни режалаштирди. У отасининг: "Болам, бегона юртда нима қиласан, ҳали ёшсан, ундан кўра ошна-оғайниларинг қатори шу ерда ишласанг яхши бўларди", дея берган маслаҳатига қулоқ тутмади. Кўзига чет элга бориб, мўмай пул топишдан бошқа нарса кўринмаган Шоймардон шундан кейин "Бойгунди" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи таниши, тадбиркор Қобил Ҳамраевнинг уйига бориб, унинг ёнида пули бор-йўқлигини билишга ҳаракат қилди. Пули борлигини билганида эса унинг кўнглида ёвуз ният илдиз отган, у ҳар қандай қабиҳликка ҳам тайёр эди.

Шоймардон Жумаев ўзининг жирканч ниятини амалга оширишга пайт пойлаб ўлжасига ташланади — Қ.Ҳамраев эшик тирқишидан қараш учун энгашган пайтда қўлидаги ош пичоқ билан бўйни ва миясига уриб уни ўлдиради. Шундан сўнг шоша-пиша Қ. Ҳамраевнинг жасадини ҳовлининг пана жойига олиб бориб, яшириб қўяди. Пулларни олишга шайланганида эса дўконда марҳумнинг хотини М.Азимова харидорларга хизмат қилаётганини кўради. Шу боис бироз вақт уларнинг кетишини кутиб туради. Аммо шу пайт М.Азимова эрини қидириб ташқарига чиқади ва нотаниш одамга кўзи тушади. Ундан турмуш ўртоғи қаердалигини сўраганида ҳожатхонага кетганини айтиб, вазиятдан қутулмоқчи бўлади. Ўзини таниттирмаслик мақсадида олдиндан тайёрлаб қўйган маскасини кийиб олади. Аёл қоронғуда ўтирган бу шахснинг кимлигини билиш мақсадида дарвозахона чироғини ёқмоқчи бўлганида жиноятчи уни уриб, тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан ғойиб бўлади...

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Ш.Жумаевнинг жинояти фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг ҳукмига кўра, у қонуний жазосини олди.

Албатта, ҳар қандай қилмиш қонуний жазосини олиши керак. Шундай бўлди ҳам. Бироқ, келинг, юқоридаги нохуш ҳодисанинг маънавий-ахлоқий томонларига эътибор қаратайлик. Хўш, бу жиноят тасодифми ёки билиб-билмай содир этилдими? Асло. Эндигина йигирма беш ёшни қоралаган йигитнинг бу қилмиши олдиндан ўйлаб, муайян режа асосида амалга оширилган. Шунинг ўзи унинг тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан, на ота-она, на маҳалла-кўй унинг юриш-туриши билан қизиқмаган. Вақтида унга тўғри йўл кўрсатилганида, атрофдагилар унинг оёқ олиши, шуғулланиб юрган машғулоти билан қизиққанларида ушбу фожеа рўй бермаслиги тайин эди.

Хулоса шуки, тинчлигимиз барқарорлиги, ҳаётимиз хотиржамлиги ҳар биримиз, биринчи галда, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари зиммасига ҳамиша огоҳ ва сергак бўлишдек масъулиятли вазифани юклайди.

**Саид ҚОДИРОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

Тадбир

# Реклама, истеъмолчи ва талаб

*Бозор муносабатлари ҳамда рақобатнинг бир маромда ривожланишининг, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолият кўрсатишининг муҳим шартларидан бири бу — реклама ҳисобланади. Реклама ишлаб чиқариш, товар ва хизматлар бозорида муваффақиятли иш олиб бориш ва ҳаракатланишни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳамда истеъмолчи хулқ-атворига таъсир этувчи самарали восита ҳамдир.*

Шу сабабдан товар, иш ва хизматлар бозорида рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ҳамда тарқатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида 1998 йили Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ, рекламада маҳсулот ва хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчи манфаатига зарар етмаслиги лозим. Истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилиши эса қатъиян тақиқланади. Лекин аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган барча реклама материаллари ҳам ушбу талабларга тўла жавоб бера олади, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситаларида реклама бериш маданияти ва тартиб-қоидаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси масъул ходимлари ҳамда реклама тарқатувчи ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Рекламачилар ўртасида рақобат юзага келган пайтда унга ижод маҳсули сифатида ҳам қараляпти. Юқорида таъкидланганидек, 1998 йилда «Реклама тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлса, орадан икки йил ўтиб бу тўғрида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Қонун ва қарор ижросини таъминлаш Республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига юкланди. Бозор муносабатлари шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва янги-янги хизмат турлари пайдо бўлиб, уларнинг рақобатга, хусусан, рекламага эҳтиёжи ҳам тобора ортиб бораверади. Маълумотларга кўра, реклама материаллари босма нашрлар, хусусан газета ва журналларда улар умумий ҳажмнинг 40 фоизидан, телеканалларда эса ҳар соатда ўн дақиқадан ошмаслиги лозим. Аммо таҳлиллар ушбу меъёрларнинг аксарият ҳолларда бузилаётганини кўрсатмоқда.

Қолаверса, берилаётган рекламаларнинг мазмун-моҳияти қонуний бўлишига, жумладан, маҳсулот ва хизматларнинг лицензияга эгалиги, сифат кафолати каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим. Амалда эса бу масалалар баъзан эътибордан четда қолаётир. Жумладан, айрим дори воситалари ҳамда шубҳа уйғотадиган табиблар мақталган ёлғон ахборотлар ҳам учраб турибди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан даврий нашрлар фаолиятини ўрганиш давомида шу каби 31 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолига тақдим этилаётган рекламаларда тўғри ахборот тарқатиш масъулиятини янада оширишни тақозо қилади. Тадбирда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр алмашилди.

**Б.БОТИРОВ,**
**«Адолат» мухбири**

# Кучли ва соғлом авлод

## *мамлакатнинг таянчи, қудрати ва фахридир*

Давоми. Боши 1 - бетда

Ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий, кўркам спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу саъй-ҳаракатлар бугун жисмонан соғлом, бақувват, маънан баркамол авлодни тарбиялаш, қолаверса, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётир. Самарқанд вилоятидаги ўзига хос нуфузга эга бўлган Каттақўрғон шаҳрига борганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Шаҳарда, айниқса сўнгги йилларда болалар спортини ривожлантириш мақсадида бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилган. Ҳозирги пайтда спортнинг оммавий турлари бўйича ўнлаб секциялар, тўгараклар ишлаб турибди. Турли мусобақалар ташкил этилиб, иқтидорли спортчи ёшлар аниқланиб, уларни вилоят ва республика беллашувларига тайёрлаш учун зарур чора-тадбирлар олиб борилаётир. Бу хайрли ишларга шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими бош-қош бўлмоқда.

— Шаҳримиз марказидаги 17-мактаб-гимназия қошида замонавий спорт мажмуаси барпо этилган, — дейди вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими раиси Неъмат Даминов. — Бу ерда ёшларимиз ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Тўртта ёпиқ ўйингоҳдан иборат спорт мажмуасида айни пайтда бокс, бадиий гимнастика, волейбол, баскетбол ва оғир атлетика бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Жумладан, малакали мураббийлар — Алишер Аҳмедов волейбол, Равшан Назаров баскетбол, Қўчқор Салимов оғир атлетика, Азамат Қосимов бокс, Нилуфар Ибрагимова эса бадиий гимнастика машғулотларини олиб боришаяпти. Улар ўз шогирдларини ҳар томонлама баркамол, иродали ва жисмонан кучли қилиб тарбиялашда бор маҳоратларини ишга солишаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Масалан, бокс мураббийси Азамат Қосимовнинг ташаббуси билан ёш "чарм қўлқоп" усталари ўртасида шаҳар прокурори кубоги бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада муваффақиятли қатнашган ёш боксчиларимиз вилоят миқёсида ўтказилган беллашувда ҳам совринли ўринларни қўлга киритишди.

Ҳақиқатдан ҳам, ёшлар қалбида спортга меҳр уйғотишда, қолаверса, ёш спортчиларнинг маҳоратини оширишда мусобақалар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йили шаҳар мактаб ўқувчилари иштирокида "Умид ниҳоллари", "Қувноқ стартлар", "Алпомиш ва Барчиной", "Соғломжон — полвонжон" спорт беллашувлари бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда чиниққан ёшлар бадиий гимнастика, кураш, сузиш, стол тенниси бўйича ўтказилган вилоят ва республика миқёсидаги турнирларда қатнашди.

Шаҳар мактабларининг аксариятидаги қишки ва ёзги спорт ўйингоҳларида етарли қулайликлар яратилган. Уларда баскетбол бўйича 29 та, волейбол бўйича 23 та, қўл тўпи бўйича 15 та, футбол бўйича 14 та тўгарак ишлаб турибди. Бундан ташқари, таълим муассасаларида мунтазам беллашувлар олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиши ортиб бораётир. Бунинг самараси ўлароқ, каттақўрғонлик ёш спортчилар вилоят ва республика мусобақалари ғолиблигини қўлга киритишаяпти. Масалан, эркин кураш бўйича Саломат Кучимова ва Ойбек Нодиров республика терма жамоаси аъзолигига қабул қилинди.

Халқ таълими тизимига қарашли барча умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган хотин-қиз ўқитувчи-мураббийлар иштирокида ҳам беллашувлар ўтказилмоқда. Бундай беллашувларни ўтказишдан мақсад хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир.

Халқимизда: саломатлик — туман бойлик, деган ҳикмат бор. Саломатликнинг гарови эса спорт билан мунтазам шуғулланиш экани ҳеч кимга сир эмас. Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан саналар экан, бугунги кунда мамлакат миқёсида амалга оширилаётган спортни оммавийлаштириш тадбирлари яқин йилларда ўзининг улкан натижаларини бериши шубҳасиз. Келажаги буюк Ўзбекистоннинг истиқболи бугунги навқирон авлоднинг саъй-ҳаракатига боғлиқ эканини назарда тутсак, шаҳар ва қишлоқларимизда спортни оммалаштириш бўйича йўлга қўйилаётган ишлар, амалга оширилаётган тадбирлар келажакка катта умидлар билан қарашимиз асос бўлади.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**"Адолат" мухбири**

# Микромолиявий марказ аъзоси

Республика "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки яқинда Европа ва янги мустақил давлатларнинг микромолиялаш марказининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди.

Бу микромолиялаш маркази 2001 йил Варшава шаҳрида аҳоли учун микрокредит хизматларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги пайтда дунёнинг 53 мамлакатидаги юздан ортиқ микромолия ташкилотлари унга аъзодир.

Марказга аъзо бўлиш банк фаолиятининг инфраструктурасини такомиллаштиришга йўналтирилган техник грантларни олиш, республикамиздаги микромолиялаш ташкилотлари кадрларини хорижда ўқитиш ва малакаларини ошириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда банк томонидан халқаро молия институтларининг кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш борасида аниқ тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда микромолиялаш хизматини ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк» ва Ислом тараққиёт банки ўртасида 4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш юзасидан меморандум имзоланди.

Халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банклар билан ҳамкорлик "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари орасида ишончини янада оширишга хизмат қилади.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**"Адолат" мухбири**

## ҚАРШИ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

бутун Ўзбекистон халқини, таълим тизимида самарали фаолият олиб бораётган фидойи устоз педагогларни қадимий ва навқирон айём – Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Баҳор ва янгиланиш байрами ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч, олам-олам шодлик олиб келсин. Мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, равнақи йўлидаги фидокорона ишларингизда доимо омад ёр бўлсин!



Баҳорий тароват, гўзаллик Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, азиз юртдошлар!

## НИШОН ТУМАНИДАГИ «ТАРАҒАЙ БАҲОДИР» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ



тобора яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан барча ўзбекистонликларни, боғбону ғаллакор, пахтакорларни самимий қутлайди.

Ўзбек деҳқони аввалдан ваъдасида, сўзида собит бўлган. Тилаймизки, эл-юрт олдида юзингиз доимо ёруғ, кўзлаган ниятларингиз ижобат бўлсин!

*Табиат бағрида қайнар ғалаён,*
*Гул, чечак атрига кўмилмиш ҳар ён.*
*Тағин кетмон билан ер чопар деҳқон,*
*Тирик жон англамоқ истайди ўзин,*
*Ташрифинг муборак бўлсин, Наврўзим!*

## “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” НИШОН ТУМАН ФИЛИАЛИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ

серқуёш диёримиз аҳлини, қишлоқ хўжалигида фидойилик билан меҳнат қилаётган барча миришкор деҳқонларни баҳор айёми билан чин дилдан табриклайди.

*Наврўз Шарқда азалдан йилнинг бошланиши – Янги кун сифатида тантана қилиб келинган. Шу кундан бошлаб ерга яхши ният ила уруғ қадалган, кўчат экилган. Ана шу қутлуғ айём арафасидаги тилакларимиз хайрли: илойим, деҳқон баҳори қутли, баракали келсин, юртимизда тинчлик-осойишталик, фаровонлик мудом барқарор бўлсин!*



## ҒЎЗОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ГУРУҲИ

мамлакатимиз яшил бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча фуқароларни баҳор ва уйғониш байрами – Наврўзи олам билан табриклайди.

Барчамиз интиқлик билан кутган, дилларга умид ва ишонч, қалбларга сурур келтирувчи Наврўз ҳаммамиз учун хайрли, баракотли келсин.



Айёмингиз муборак, азиз ватандошлар!

## КАСБИ ТУМАН БОСМАХОНАСИ ЖАМОАСИ

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми билан қутлайди.

Азиз ҳамюртлар, Ижтимоий ҳимоя йили буюк ўзгаришлар, хайрли амаллар йили бўлиб, қалбингиздан меҳр-саховат нури сира аримасин.



*Ҳар тунинг қадр ўлубон,*
*Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.*

Юртимиз тинч, осмонимиз бегубор бўлсин!

# Фасли навбаҳор келди



Давоми. Боши 1 - бетда

Олим ўзининг бошқа илмий асарларида Наврўз хусусида фикр юритганда астрономик тамойилга амал қилган. Уларда қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши йил боши сифатида белгиланган. Бу эски қуёш йили ҳисобида фарвардин ойининг аввалига, яъни 22 март кунига – кеча билан кундузнинг тенглашган вақти, табиатда жонланиш бошланиш палласига тўғри келиши қайд этилган. Аллома Наврўз хусусида яна шундай ёзади: «Наврўз кунида бир соат (вақт) борки, шу соатда Фируз, яъни Бахт фалакий руҳларни махлуқотни яратишга ҳайдайди. У куннинг энг садоқатли соатлари қуёш соатларидир. Унинг тонггида ёруғлик имкони борича ерга яқинлашади, одамлар унга қарашлари билан ўзларини бахтли санайдилар».

Наврўз байрами хусусида яна кўплаб алломалар асарлар ёзганлар, шоирлар ажойиб ғазаллар ва қасидалар битганлар. Жумладан, янги кун – Наврўзни Абдулқосим Фирдавсий жаҳонга машҳур "Шоҳнома" асарида шоҳ Жамшид номи билан боғлаб мадҳ этган. "Шоҳнома"да нақл этилишича, шоҳ Жамшид темирни эритиб қурол ясашни, ип йигириб, тўқиб, кийим тикишни, уй-жой, работ ва ҳаммомлар қуришни ихтиро қилади. Сўнг кишиларни қобилияти, ҳунарларига қараб гуруҳларга ажратади. Ниҳоят бир куни ажойиб бир тахтиравон ясатиб, унда ўзи осмону фалакка парвоз этади. Бу воқеа фарвардиннинг биринчи кунига тўғри келади. Ўша куни ҳамма жуда бахтиёр, бутун халқ Жамшидни фалакка парвоз этганлиги, ерда эса яхшилик жарчиси бўлганлиги билан табриклайди. Бу тантана янги йилнинг бошланиши бўлиб, кейинчалик умумхалқ байрамига айланади. Наврўз, шунингдек, Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк", Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" ва "Хазойинул маоний" асарларида, буюк тарихчи олим Абу Бакр Наршахийнинг "Тарихи Бухоро"сида, Садриддин Айнийнинг "Эсдаликлари", Фурқатнинг ғазалларида тараннум этилган.

Умар Хайёмнинг "Наврўзнома" асарида ёзилишича, Наврўз байрамини ўтказишнинг махсус қоидалари бўлган. Жумладан, уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, қариндошлар билан дийдорлашиш, марҳумлар қабрларини зиёрат қилиш, гина-кудратлардан фориғ бўлиш талаб этилган.

Қадимги ақидаларга кўра, Наврўз ўйин-кулгу, шоду хуррамлик билан нишонланган. Шоирлар ижодида эса, бу фасл ниҳоятда қадрланиб таърифланган. Бу мавзуда ҳазрат Навоий кўпгина ажойиб сатрлар битган.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ижодида Наврўз алоҳида ўринни эгаллайди. Маълумки, баҳорни гулу булбулсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шоир икки образ орқали ҳаётий, фалсафий фикрларни илгари суради. Баъзан айнан гул ё булбул тимсоллари шоирга ижтимоий-маънавий масалаларга доир қарашларни ифодалашга восита бўлиб хизмат қилган.

*Баҳор айёмини беш кун ғанимат англа, эй булбул,*
*Ки, мунча сўзу тобинг оташин гул мижмариндиндур.*

Яъни, улуғ шоир булбулга хитобан: бунчалар ўтли сайрашингнинг боиси гулнинг васлидан, шунинг учун беш кунлик баҳор айёмида гулдан баҳраманд бўлгин, дея таъкидлаётир. Бир ғазалидаги ушбу байтда эса булбулга эмас, гулга хитобан айтилган қуйидаги оташин даъватни ўқиймиз:

*Кўп, эй гул, урма булбул жониға бедод хорингни,*
*Сену мендек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон.*

Бу байтда дунёнинг боқийлиги, гулу булбулларнинг фонийлиги эътироф этилаётир. Бу бўстон – боқий, ундаги гулу булбуллар – ўткинчи, не-не гулу булбул бу бўстонга келиб-кетди. Шундай экан, эй гул, вақтни ғанимат билгил, булбулга бунча бедод хорингни (тиконингни) урма, у ҳам фурсат борида сендан баҳра олсин, демоқда шоир.

Умрнинг баҳори ғаниматлигини таъкидлаб, Навоий шундай ёзади:

*Бу гулистон аро булбулга раҳм қил, эй гул,*
*Ки ҳай дегунча хазон юзланиб, баҳор борур.*

Шоир бу сатрларида баҳорнинг ўткинчилигини, ғаниматлигини эслатиш билан, ёшликнинг қадрига етиш, уни беҳуда ўтказмасликка чақиради, умр баҳори кетиб, ўрнига қарилик келади, кейин армонда қолма, демоқчи бўлади.

Саъдий Шерозий ижодида ҳам Наврўз, яъни баҳор васфи алоҳида ўринни эгаллаган.

*Наврўз ўлка байроғин тикди букун саҳро аро,*
*Қаҳратон қиш лашкари чекинди бу даъво аро.*
*Ҳар чаман келинчагига тақди осмон марварид,*
*Они олмишди булут ғаввосиким дарё аро.*
*Боғ сатҳи райҳону гулга безангай бул куни,*
*Минг шукурким қаҳратон кетмиш, қолиб ғавғо аро.*
*Бу нечук оби ҳаво жаннат таассуф айласа,*
*Бу нечук тупроқ замин бошдан оёқ раъно аро.*
*Нағмаю чанг мавсумидир субҳ базмида қаранг,*
*Келди булбуллар чаманга, куйлади анво аро.*

Оташнафас шоиримиз Фурқат эса бу фаслни шундай таърифлаган:

*Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,*
*Дўстлар ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар,*
*Субҳудам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,*
*Гул уза томиб кам-кам ёғди абри-найсонлар.*
*Настарин ювиб юзни, ёсумон тузиб ўзни,*
*Наргиз очибон кўзни интизори ёронлар.*

Наврўз байрами – Янги кун, Янги йилга ота-боболаримизнинг ихлос-ишончи жуда баланд бўлганки, улар бу айём қанчалик хурсандчилик, иноқлик, ҳамжиҳатлик билан нишонланса, йил охиригача турмуш шу тарзда давом этади, деб билишган.

Халқимиз ҳар йили Наврўзни тинчлик, осойишталик, хурсандчилик билан бошлаб, мамлакатимиз равнақини тилаб нишонлаб келаётир. Юртбошимиз томонидан Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинган 2007 йилнинг Наврўзи ҳам қалбларимизни шодлик, меҳр-мурувват туйғулари билан тўлдиришига ишончимиз комил.

**Турғунхожи ТОШПЎЛАТОВ,**
**шарқшунос**

Муҳокама учун мавзу

*Кийиниш ҳақида телевидениеда ҳам кўп гапирилди, матбуотда чиқишлар қилинди. Бироқ ҳаёт давом этаётир, демакки, ушбу мавзунинг янги жиҳатлари ҳам юзага келмоқда. Қолаверса, миллий бичимдаги либосларимиз тарғиботи ҳам ҳеч қачон эскирмайдиган мавзу.*

# Кийимни ким танлайди?

## ёхуд эски мавзуга қайтиб

Автобусда икки аёл гаплашиб кетишаяпти.

– Фалончининг қизини яқин орада кўрдингизми?!

– Э, гапирманг, бети қурсин. Уйига борсангиз, кийимкечаги туппа-тузук. Кўчада кўринг унинг асл башарасини – танимайсиз. Яна бўй етган қиз эмиш.

– Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да. Онасига ҳам балли-е, ярим-яланғоч юрганидан кўра чиройли шим кийиб юргин қизим, деса бўлмайдими!

Ўрта яшар бу икки аёлнинг гапларини эшитиб ҳайрон қолдим. Нега энди қиз бола айнан шим кийиш керак? Нима, шим аёллар миллий либосига айланиб улгурдими?

Албатта, кийиниш маданиятига нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам риоя қилишса, яхши бўларди. Бу ҳақда гап очилса, кўпинча, йигитлар қизларни айблашади. Аммо ўзлари-чи, кийиниш, ўтириш-туришда урф-одатларимизга тўла риоя қилишаяптими? Тўй либосида, кўча кийимида ёки спорт формасида дарсга қатнайдиган айрим йигитларнинг маънавияти ҳақида илиқ гап айтиб бўладими?! Умуман, кийинишда ёшларга ким ўрнак бўлаяпти, деган масала жуда ҳам муҳим. Буни имкон қадар ўрганишга ҳаракат қилиб, айрим ёшларга: «Сиз нимага қараб кийинасиз?» деган савол билан мурожаат этдик. Биз суҳбатлашган мактаб ўқувчиларининг аксарияти ота-онамиз олиб беришади, деб жавоб берди. Демак, бу ўғил-қизларнинг ота-оналари тор шим, чўзилувчан синтетик матодан тикилган либослар харид қилишар экан-да.

Келинг, шу ўринда кийиниш маданияти тўғрисида ёшларнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор берайлик.

Зилола РУСТАМОВА:

– Ҳозир қизларнинг кийиниш услубини танқид қилувчилар кўп. Лекин бугунги кунда ғарбча кийиниш, юриш-туришдан ёшларни қайтариб бўлармикан? Нима бўлганда ҳам урфга эмас, дидга қараб кийиниш керак, деб ўйлайман. Шуни ҳам унутмаслик керакки, инсонга уст-бошига қараб баҳо берилмайди, аммо айнан шундай ўйлайдиганлар, бунга амал қиладиганлар ҳам бор.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА:

– Либос инсоннинг энг гўзал безаги. Киши ўзига ярашадиган кийимни кийса, албатта. Европача урфдаги либослар бизнинг менталитетимизга мос келмаслиги сабабли кўпчиликнинг ғашига тегаётгани шубҳасиз. Ҳарқалай, кийиниш маданиятига риоя қилсак, ҳаммаси рисоладагидек бўлади, деб ўйлайман.

Акмал САФАРОВ:

– Қизлар ранжимасину, йигитлардан кўра кўпроқ улар кийиниш маданиятига риоя қилишмайди. Назаримда, қизлар ўртасида кийиниш борасида "ким ўзар" бордай. Улар шармҳаёни унутмасалар бўлгани...

Биз бу мавзуда мутахассис фикрини билиш мақсадида тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ойниса Шариповага мурожаат этдик. Мана унинг мулоҳазалари:

– Йигитларнинг тор шим кийиши жинсий аъзолари қисилишига олиб келади. Томирларда қон айланиш жараёни секинлашади. Бу эса жинсий ривожланишни сусайтириши мумкин. Айниқса, балоғат ёшидаги қизларнинг ҳаддан зиёд тор кийиниши кўплаб касалликларни келтириб чиқаради. Қорин қисмини очиб юриш буйрак, ичаклар, бачадон, тухумдон ва бошқа аъзоларнинг шамоллашига олиб келади. Бу бепуштликни юзага келтиради. Синтетик матолар қичима, аллергия тошмалари ва бошқа хасталиклар сабабчиси бўлиши мумкин.

Меъёридан ошганда асал ҳам заҳарга айланади, деган гап бор. Кийиниш маданиятида ҳам меъёрни сақласак, маданиятимизни, урф-одатларимизни, энг муҳими, ўз қадр-қимматимизни асраган бўламиз.

**Фарҳод ЭРКИН**

Орамиздаги одамлар

# Эл ишига камарбаста

*Фидойи инсонлар, талабчан ва ташкилотчи раҳбарлар ҳақида гап кетганда, каттақўрғонликлар Искандар Ишбековнинг номини ҳурмат билан тилга олишиб: "Отасининг ўғли-да", дейишади. Аслида, бу олқишда жон бор. Каттақўрғон шаҳрини обод қилиш, халқ таълими, маданият ва тиббиёт муассасалари фаолиятини кучайтиришда Дўстмуҳаммад аканинг хизмати кўп бўлган.*

Ўша йиллар мактабда ўқиб юрган Искандар отасининг эл-юрт ишига жонкуярлигини кўриб, ҳавас қилган, келажакда падари бузрукворидек инсон бўлишни – эл хизматидан куч-гайратини аямасликни қалбига тугиб қўйган эди.

Орзуга айб йўқ, деганларидек, Искандар ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, Самарқанд Давлат университетининг муҳандис-техник факультетида таҳсил олди. Олий маълумотли бўлгач, Каттақўрғон ёғ-мой корхонасининг таъмирлаш тармоғида катта уста бўлиб иш бошлади. Ўша пайтданоқ у хизмат вазифасига астойдил киришди. Корхонада узоқ йил ишлаган тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликда цехларни қайта таъмирлашда фаоллик кўрсатди. Дарҳақиқат, корхонадаги техник ускуналарнинг меъёрида ишлатилиши, ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтаб қолмаслиги асосан таъмирлаш тармоғи усталарига боғлиқ эди. Жонкуярлиги туфайли орадан бир йил ўтар-ўтмас корхона маъмурияти Искандарни ушбу тармоққа бошлиқ этиб тайинлашди.

Ватанга меҳр, эл ишига камарбасталик, камтарлик ва фидокорлик унинг кундалик шиорига айланди. Вилоят миқёсидаги масъул лавозимда ишлаб, бой тажриба орттирди, ҳар бир муаммони вақтида ва жойида ҳал қилиш унинг фаолиятида асосий принципларга айланди.

Искандар Ишбеков Каттақўрғон шаҳрини обод қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Унинг раҳбарлигида кўчаларга асфальт ётқизиш, турли хил кўчатлар ўтқазиш, айниқса, аҳолига уй-жой биноларини қуриш ишлари жадал олиб борилди, маҳаллалар фаолияти кучайди. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Шаҳардаги эскириб қолган мактаб биноларини қайта таъмирлаш доимий эътиборда бўлди. Тиббий хизмат ва ижтимоий соҳалар назорати кучайтирилди.

У мустақиллигимизнинг биринчи йилида шаҳар депутатлар Кенгаши раислигига сайланди. 1995 йил январь ойида шаҳардаги "Ёғ-мой" корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилгач, жамият бошқаруви раиси лавозимига тайинланди. Бу ердаги меҳнат фаолияти даврида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигига, меҳнат унумдорлигига эришилди. Мутахассис ва ишчиларнинг янги технологияларни ўзлаштиришлари, замонавий ускуналардан самарали фойдаланишлари учун зарур чора-тадбирлар кўрилди. Унинг ташаббуси билан корхонада алиф ишлаб чиқарадиган цех қурилди, экстракция тармоғига замонавий НД-1250 экстрактори, механика тармоғига янги токарлик, рандалаш станоклари ўрнатилди. Суюқ совун ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. 2002 йили ёғ ПЭТ идишларда қадоқлана бошланди, тайёрлов цехи қошида кунгабоқар уруғини пўстлоғидан ажратиш бўлими ишга туширилди. Шунингдек, жамият раисининг саъй-ҳаракати билан 2004 йили лак бўёқ ишлаб чиқарувчи қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади.

Искандар Ишбеков қаерда, қайси вазифада ишламасин, ўзининг изланувчанлиги, ҳаракатчанлиги, тадбиркорлиги билан эл эътиборига сазовор бўлди. Ота ўгитларига сидқидилдан амал қилган, хизмат вазифасига виждонан ёндошгани боис, бугунги кунда Каттақўрғон шаҳрининг каттаю-кичиги Искандар Ишбековни ҳурмат билан тилга олишади.

Умрни оқар дарёга қиёслашади. Кечагина меҳнат фаолиятини оддий механикликдан бошлаган Искандар Ишбеков умрининг қарийб 40 йилини эл-юрт хизматига бағишлади. Олтмиш ёшни қаршилаган бу фидойи инсон бугун олти фарзанднинг отаси, бир қучоқ набираларининг севимли бобосидир. У оила аъзолари билан дастурхон атрофида ўтирганда эл-юрт ишқида ёниб яшашни отасидан ўрганганини эслаб, фарзандлари, набираларини ҳам ана шундай яшашга даъват этади.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**"Адолат" мухбири**

# Очиқ эшиклар куни



Пойтахтимиздаги 2-Тошкент юридик коллежида йигит-қизлар "Ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза", "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти", "Маъмурий-ҳуқуқий фаолият" йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Ўқув муассасада ҳафтанинг ҳар шанбаси "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилинган. Тадбирда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ота-оналар фаол иштирок этмоқда.

– Мақсадимиз ўқувчиларга қобилияти, қизиқиши, имкониятидан келиб чиққан ҳолда касб танлашига ёрдам беришдир, – дейди коллеж директори Абдумухтор Ҳасанов. – "Очиқ эшиклар куни"да тадбир қатнашчиларининг онгли, мустақил равишда касб танлашлари юзасидан маслаҳатлар ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабули тўғрисида зарур тушунчалар бераяпмиз. Ҳозиргача Чилонзор туманидаги 79-, 162-, 179-, 183-, 184-, Миробод туманидаги 110-мактаблар битирувчилари коллежимиздаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

– Илгари мен бу ерда фақат юристлар тайёрланади, деб ўйлардим, – дейди тадбир иштирокчиларидан бири Чилонзор туманидаги 162-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ноиба Мусаева. – "Очиқ эшиклар куни"да қатнашгач, тасаввурим ўзгарди. Коллежда нафақат ҳуқуқшунос, балки давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори, ходимлар инспектори, нотариус-референт, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари инспектори сингари ўндан ортиқ мутахассисликларни эгаллаш мумкин экан.

**Ўз мухбиримиз**

**Суратда: тадбир қатнашчилари коллеж ҳаёти билан яқиндан танишмоқда.**









ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи – Б.БОТИРОВ.
Саҳифаловчи – Л. ТУРСУНОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 201 Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган Қоғоз бичими А-2. Адади – 2751 Босишга топшириш вақти – 20.00 Босишга топширилди – 00.20 2 3 4 5 6